Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 192 (4887).
26 АВГУСТ 1982 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Шаҳар индустрияси рапорти*

Саккиз ойлик план тайёр!

БУГУН

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлари СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада муҳим маррани эгалладилар — саноат маҳсулотларини реализация қилиш ва буюмларнинг аксарият муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича саккиз ойлик халқ хўжалиги плани муддатидан илгари бажарилди.

Байрамолди зарбдор вахтасида В. П. Чкалов номли авиация, Тошкент трактор заводи, «Қизил тонг» тикувчилик, «Средазкабель» бирлашмалари, «Ташсельмаш», «Миконд», электрон техника ва бошқа заводларнинг меҳнатчилари айниқса катта муваффақиятга эришдилар.

Энг юксак унумдорликка эришиш, шахсий беш йиллик планларини 2,5 йилда бажариш учун мусобақада В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари Н. Манюпов, 1-уйсозлик комбинати бетончиларининг бригадири И. Орипов, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари В. Бочков, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси М. Қодирова, «Узбекхлопкомаш» машинасозлик заводининг слесарь-чиси Т. Игумнов ва бошқалар пешқадамлик қилишмоқда.

Шаҳар корхоналарида беш йиллик халқ хўжалиги планлари ва мажбуриятларини, ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда олдинга қўйган вазифаларни муддатидан илгари бажариш учун кураш кенг кўлоч ёймоқда.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бошқармасининг 2-цехи коллективи СССР 60 йиллигини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Цех коллективи юбилей шарафига ташкил қилинган мусобақанинг байроқдори саналади.

СУРАТДА: шу цехнинг илғор тикувчиси Т. Норматова. Қўли гул чевар ойлик план топшириқларини мунтазам 130—140 процентдан бажармоқда. М. Нуриддинов фотоси.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА 60 ЗАРБДОР ХАФТАЛИК

ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

• *Барака—тежамда*

МАЖБУРИЯТ АСОСИДА

Марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 103-автобаза коллективи ўртасида социалистик мусобақа қизғин тус олган. Бу ўзаро социалистик мусобақада ҳайдовчилардан В. Хоркавский, Б. Ваҳобов, А. Орипов, О. Тожибоевлар доимо пешқадам бўлиб келмоқда.

Автоҳўжалик аҳли ишлаб чиқаришдагина эмас, тежамкорлик соҳасида ҳам қувончли кўрсаткичларни қўлга киритишмоқда. Коллектив йил охиригача пландан ташқари 100 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб бериш билан бирга-ликда, ёнилғи, автошина ва бошқа эҳтиёт қисмларни тежаб қолиш мажбуриятини қабул қилишганди. Шу ўтган вақт ичида транспортчилар 18 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, 36 минг литр ёнилғи ва 66 та автошина тежаб қолдилар.

Шу тариқа, автоҳўжалик коллективи зиммасига олган социалистик мажбуриятларини муваффақият билан адо этмоқда.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақада актив иштирок этаётган «Узмежавтодортранс» бошқармасига қарашли 56-автокорхона меҳнат аҳли ҳар бир зарбдор ҳафталикни қувончли кўрсаткичлар билан якунламоқдалар. Социалистик мусобақада ўн пешлар ташаббусига қўшилиб меҳнат қилаётган ҳайдовчилардан М. Абдусаматов, Н. Абдуллаев, И. Нуриддинов, В. Романов, А. Эшматовлар пешқадамлик кўрсатиб, айни кунларда 1984 йилнинг март —апрель ойлари ҳисобига меҳнат қилмоқда. Шунингдек, А. Отабеков, В. Журавлёв, Р. Орипов бошлиқ бригадалар ҳам коллективда пешқадам саналади. Бу коллективлар ойлик юк ташиш нормаларини 110-120 процентдан адо этмоқда.

Автокорхона коллективи паркдан фойдаланиш коэффициентини 0,7 процентга ошириш ҳисобига йиллик планни муддатидан илгари адо этиб, планга қўшимча 120 минг тонна юк ташишни мўлжалламоқда.

«Ташсельмаш» заводининг кўп минг кишилик коллективида мамлакатимизнинг 30 дан зиёд миллат вакиллари аҳил меҳнат қилмоқда. «Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин» —коммунист Жалолиддин Маҳсумов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ана шундай шиор остида социалистик мусобақада фаол иштирок этяпти.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Жалолиддин Маҳсумов ва бригада аъзоси Анатолий Марин. Э. Котляков, А. Горохник ва Б. Юсупов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

КУБА БУЮРТМАСИ АДО ЭТИЛДИ

БУГУН

«Компрессор» заводининг меҳнат аҳли ўзи тайёрлаган машиналарнинг навбатдаги партиясини Озодлик ороли — Кубага жўнатиш билан август ойи топшириқларини муддатдан илгари бажарди. Бу мамлакатга қисқа вақт ичида 21 та машина юборилди.

Ўтган ойларда корхонанинг машинасини Эфиопия, Ливия, Мали, Танзания, Монголия мамлакатлари сотиб олишди. Буюртмачилар сафида Болгария Халқ Республикаси салмоқли ўрин эгаллаб турибди. Қардош мамлакат 90 та машина тайёрлаб бериш юзасидан буюртма берган эди. Топшириқ ўз вақтида бажарилди.

Шу кунларда машинасозлар Афғонистон ва Кубанинг янги буюртмаларини бажариш борасида иш олиб бормоқдалар.

СОВЕТ КИНОСИ КУНИ ОЛДИДАН

БИРЛАШМА МЕҲМОНИ

Ўзбекистон кино санъатининг бир қатор кўзга кўринган таниқли арбоблари ва санъаткорлари Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳмони бўлишди. Ўз корхонаси ташкил этилганлигининг ярим асрлик тўйига тайёргарлик кўраётган авиасозлар севимли кино усталари ва юлдузларини самимий кўтиб олдилар.

Бирлашманинг техника ва маданият саройида бўлиб ўтган бу учрашувга Ўзбекистон кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Малик Қаюмов бошчилигида жуда кўп санъаткорлар марҳамат қилишди. Учрашувда томошабинлар Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Ёқуб Аҳмедов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Равиль Ботиров, Лола Бадалова, республикада хизмат кўрсатган артист Анатолий Қобулов, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Қамара Камолова, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Тамара Шокирова ва бошқа артистларнинг киносанъатида босиб ўтган барқарор йўли, ижодий режалари ҳақида кўп янгиликларни билиб олдилар.

Учрашув охирида К. Ерматов номли «Ўзбекфильм» киностудиясининг коллективи тайёрлаган «Бўйсунмас» бадиий фильми намойиш қилинди. Картина қорақалпоқ адиби Т. Каипбергеневнинг «Қорақалпоқ қизи» романи асосида суратга олинган.

ТАЙЁРГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. УМАРОВ раислигида Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда мазкур шонли санага пойтахтнинг Акмал Икромов районида тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Матбуот, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети партия ташкилотларининг ана шу масала бўйича ҳисоботлари кўриб чиқилди.

Акмал Икромов районида Тошкентнинг юбилейига тайёргарлик бўйича бир қатор ишлар бажарилган. Шу кунга қадар белгиланган 117 тадбирнинг 76 таси бажарилган, йил охиригача яна 23 тадбири амалга оширилади. Қолган тадбирлар белгиланган муддатларга биноан 1983 йилнинг сентябрига қадар бажарилади.

Барча саноат корхоналари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича планнинг бажарилишини таъминлаганлар.

Капитал қурилиши бўйича тадбирлар планида 1982 йилда «Средазгазавтоматика» заводининг қурилишини тугаллаш кўзда тутилган эди. Завод комплексининг қурилиши асосан тугалланган.

Шунингдек, 20 минг номерли 74-АТС қурилиши ҳам тугалланган. «Бешқайроғоч» массивида ёзги кинотеатр фойдаланишга топширилган. Фарҳод бозори реконструкция қилиниб, ободонлаштирилган. Икки янги соғлиқни сақлаш объектининг қурилиши бошлаб юборилган.

Шу кунга қадар 45 уйнинг ташқи томони ремонтдан чиқарилган, биноларнинг олд томонларини ремонт қилиш ишлари давом этмоқда, 7 соғломлаштириш спорт майдончалари қурилган. Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги шарафига 47 ва 26-уй-жойларни эксплуатация қилиш бошқармаларининг маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари 26 ва «Г— 9А» кварталларини намунали микрорайонларга айлантириш мажбуриятини қабул қилдилар.

Ўйғур, Бобир, Улуғбек, Фарҳод ва Раҳимбобоева кўчаларини реконструкция қилиш тугалланган.

Ҳозирги вақтда Х. Турсунқулов кўчасини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Район маҳаллаларида ҳашар йўли билан граждан ва Батан урушларида ҳалок бўлган тошкентлик қаҳрамонларга ҳайкаллар ва ёдгорликлар ўрнатилмоқда.

Райондаги барча корхона ва муассасаларда юбилейга тайёргарлик бўйича штаблар ташкил этилган, ана шу сана билан боғлиқ тадбирлар плани ишлаб чиқилган ва амалга оширилаяпти.

Район маданий-оқартув муассасалари мунтазам равишда Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган лекция ва суҳбатлар ўтказишяпти, ишлаб чиқариш илғорлари фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар ташкил этишяпти, китобхонлар конференцияларини ташкил этилмоқда.

Бюро, ташкилий комитет мажлисларида Ўзбекистон ССР маҳаллий саноатининг давлат махсус бадиий конструкторлик-тех и ологияя бюроси, уй-жойлардан фойдаланиш трести, Тошкент булка-кондитер комбинати, заргарлик заводи, миллий чолғу асбоблари фабрикаси партия ташкилоти ва раҳбарларининг юбилейга тайёргарлик бўйича ҳисоботлари тингланган. Апрель ойининг охирида репертуари шаҳар юбилейига бағишланган бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўрик-конкурси ташкил этилган. Худди шундай кўрик-конкурсни 1983 йилнинг - баҳорида «Шаҳримиз тўғрисида» шиори остида ўтказиш белгиланган.

Шу йил июнь ойида районда ўқувчиларнинг, уй-жой органларининг ва меҳнат коллективларининг Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган спартакиадалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳамда Матбуот, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети юбилейга тайёргарлик бўйича катта ишларни олиб бораяпти. Ўзбекистоннинг етакчи композиторлари, рассомлари, ҳайкалтарошлари Тошкентнинг 2000 йиллиги муносабати билан кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарга бағишланган ўз асарларини тайёрлашмоқда, республика нашриётлари ана шу шонли санага бағишлаб чиройли безатилган альбомлар, буклетлар чиқаради. Шоир ва ёзувчиларнинг мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлиги, Ўзбекистон пойтахтининг ўтмиши ва ҳозирги куни, Тошкентнинг бошқа иттифоқдош республикаларининг пойтахтлари билан мустаҳкам алоқалари тараннум этилган қатор асарлари нашр этилади.

Мажлисда юбилейга тайёргарлик плани бўйича кўпгина ишлар бажарилган, деб таъкидланди. Шу билан бирга белгиланган тадбирларнинг бажарилишини бирмунча тезлаштириш лозим. Ана шу муҳим ишнинг кўпгина томонлари ҳали четда қолмоқда. Бу муҳим ишга ҳамма меҳнат коллективлари ўз ҳиссаларини қўшаётганлари йўқ.

Тошкент ўзининг 2000 йиллик юбилейини муносиб даражада кутиб олиши лозим. Бунинг учун пойтахтимиз меҳнат коллективларининг бутун куч-ғайратини сафарбар этиш, белгиланган тадбирларни эртанги кунга қолдирмай ўз вақтида бажариш лозим.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ҲАР КУН ҒАНИМАТ

Акмал Икромов районида қишга тайёргарлик ишлари қандай кетаяпти? Куз-қиш мавсумидаги ишларга ўз вақтида ва сифатли тайёргарликни назорат қилиш комиссиясининг навбатдаги мажлисида бу масала кўриб чиқилди.

Ўтган йилги қиш маҳаллий Советларга қарашли уй-жой фондидан фойдаланишда қатор камчиликлар борлигини кўрсатди. Ҳозир район уй-жой ташкилотлари ана шу камчиликларни ҳисобга олиб ўз ишларини ташкил этмоқдалар. Капитал ремонтга катта эътибор берилмоқда. Ўтган етти ой ичида бу иш 102 процент адо этилди. Турар жой биноларининг ташқи томонлари, томи, лифтлар, подъездлар ва ертўлалари тартибга келтирилди. 471 уйдан 313 тасида иситиш тармоқларини ювиш ва профилактика ишлари тугалланди. Ўтган қишда исимаган квартираларда қўшимча ремонт ишлари олиб борилди.

Шунингдек, қатор камчиликлар ҳам йўқ эмас: шу пайтгача савдо корхоналари, чет тиллар институти, молия техникуми, 63-ҳунар-техника билим юрти, «Средазавтоматика» ва заргарлик заводларида иситиш тармоқлари ҳанузгача текширишдан ўтказилмаган. 22 ва 23-квартал-лардаги болалар боғчаларига олиб борувчи иситиш тармоқларини ремонт қилмоқ зарур, 16-автобус паркининг ишлаб чиқариш хоналарида вентиляция системаси ишламайди, гараждаги мавжуд чуқурлар санитария қоидаларига мутлақо жавоб бермайди, иситиш ва ёритиш тармоқлари ўтказилмаган. «Москва» кафесида водопровод ва канализация линиялари тузатилмаган. Бу ерда совутиш камераси аллақачон алмаштирилиши керак эди. Жумладан, бошқа техник жиҳозлар ҳам санитария талабига мутлақо жавоб бермайди.

Қиш — синов даври. Самарали фойдаланилмаган ҳар бир кун ҳунук оқибатларга олиб келиши мумкин. «Тез ёрдам» клиник саълхонаси раҳбарлари буни унутишганга ўхшайди. Бу ерда канализация тармоқлари ремонтга муҳтож, иситиш системаси профилактикадан чиқарилмаган. 103-мактабда ҳам аҳвол ёмон: баъзи синфхоналар авария ҳолатида, сантехник жиҳозлар издан чиқан.

Акмал Икромов районидаги барча корхона ва ташкилотларда ҳам қишга тайёргарлик масалаларига етарли даражада масъулият билан ёндошилаяпти деб бўлмайди. Белгиланган тадбирларнинг кўплари қоғозда қолаяпти. Айни пайтда ҳозирги ҳар кун ғанимат. Ғанимат кунлардан фойдаланиб ремонт ишларини тезлаштириш, иссиқлик системаларини тартибга келтириб қўйиш лозим.

ЙЎЛЛАРДА ТАРТИБ ЎРНАТАМИЗ

Мамлакатимизда «Пиёда» ва «Диққат, болалар!» Бутуниттифоқ рейдлари ўтказилмоқда. Тошкент шаҳар халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш бошқармалари, ички ишлар органлари, автомобиль транспорти бирлашмалари коллективлари маъмурлиятлари вакилларининг бўлиб ўтган кенгашида шу масалага бағишланди.

Йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича шаҳар комиссиясининг раиси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ш. Шоабдураҳимов йиғилганлар ҳузурида доклад қилди. Доклад юзасидан бўлган музокараларда шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, «Ташпассавтотранс» бошлиғи Ж. Шораҳмедов, 6-автомобиль парки йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бўлими бошлиғи А. Каспаров, автоҳаваскорлар жамияти Сергели район Совети раиси А. Златоруженский, шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси бошлиғи М. Абутов сўзга чиқдилар.

Кенгаш қатнашчилари шаҳар корхоналари ва муассасалари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарларига, меҳнаткашлар коллективларига, Тошкентнинг барча аҳолисига қарата мурожаат қабул қилдилар.

НАЗОРАТ ПОСБОНЛАРИ СЕМИНАРИ

Савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида халқ назорати группалари ва постлари ишларини активлаштиришга бағишлаб ўтказилган кенгаш-семинар ўз ишини нисҳолиса етказди.

Тошкент шаҳар халқ контроли комитети раиси ўринбосари Ю. В. Михайлов семинар қатнашчилари ҳузурида доклад қилди.

Бу семинарда Фрунзе ва Октябрь районлари халқ контроли комитетларининг раислари Р. Подмарев ва А. Баҳобов, Марказий «Универсал магазини халқ назорати группаси раиси ўринбосари Т. Шелковникова, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи С. Исаев, бош универсал магазини директори Я. Иброҳимов, В. И. Ленин номли тинув ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли группаси раиси З. Бахтиозина иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Тошкент шаҳар халқ контроли комитети раиси Ф. Н. Назруллаев кенгашда нутқ сўзлади.

Семинар қатнашчиларига халқ назорати постларининг фаолиятини янада самарали қилишга қаратилган тадбирлар белгилаб олдилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ 25 август куни Москвада ўтказилган матбуот конференцияси маданият соҳасидаги сиёсат юзасидан ЮНЕСКО иккинчи жаҳон конференциясининг якунларига бағишланди.

◆ Учишни бошқариш марказ хабар беради: космонавтлар Анатолий Березовой, Валентин Лебедев, Леонид Попов, Александр Серебров ва Светлана Савицкая орбитал комплекс ичида биргаликдаги тадқиқотларни беш кундан буён давом эттирмоқдалар.

Ер атмосфераси структурасини, планеталараро фазони, нурланишнинг галактик ва галактикадан ташқари манбаларини ўрганиш мақсадида «Пирамига» ва «ПСН» аппаратларидан фойдаланган ҳолда бажариладиган экспериментларга кечаги кун иш программасидан катта ўрин ажратилди.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Агрессия хавфи кучаймоқда

Кейинги ҳафталарда АҚШ Никарагуа революциясини бўғиб ташлаш ва Никарагуада Америка империалистик ҳукмронлигини тиклаб, мамлакатни Сомоса қонли диктатураси замонларига қайтариш йўлидаги ҳаракатларини кескин активлаштириб юборди. Президент Рейган маъмуриятининг буйруғи билан (буни Америка матбуотининг ўзи, шу жумладан «Вашингтон пост» газетаси эътироф этмоқда) Марказий разведка бошқармаси ва Пентагон Никарагуа революцион ҳукуматини агдариб ташлаш мақсадида маҳфий ва ошкора операцияларнинг кенг планини амалга оширишга киришганлар. Мамлакатга Вашингтонга итоаткор кўғирчоқ ҳукумат ҳокимият тепасида бўлган қўшни Гондурас территориясидан ёпасига қуролли бостириб киришга асосий эътибор берилмоқда. Бунинг учун АҚШ Гондурас армиясидан ҳам, Марказий разведка бошқармаси агентураси тайёрлаган кўп минг қишилик қўшиндан ҳам фойдаланиш ниятидадир. Бу қўшин Сомосанинг Никарагуадан қочиб қолган ва АҚШда бошпана топган собиқ каллакесарларидан иборатдир.

Гондураснинг Никарагуа чегараларига туташ районларида сомосачиларнинг камида 20 лагери ташкил этилган бўлиб, америкалик офицерлардан сабоқ олаётган бу тўдалар Никарагуа аҳоли пунктларига тез-тез қуролли босқин уюштириб, ажал ва вайронгарчилик келтирмоқдалар. Худди шу районларга уч мингга яқин Гондурас солдатлари ҳам келтириб қўйилган. Вашингтон Гондурас билан Никарагуа ўртасида жиддий чегара можароси вужудга келтириб, бунда айбни Никарагуага тўнкаш ва шуни баҳона қилиб кенг кўламда агрессия бошлаш режасини тузмоқда. Бу агрессияда «зарур бўлиб қолган тақдирда» Америка қўшинлари ҳам иштирок этадилар. Шу муносабат билан Никарагуа чегаралари яқинида Америка билан Гондураснинг биргалик даги ҳарбий машқлари ўтказилаётганлиги, Гондураснинг Тела портига АҚШнинг 600 америкалик денгиз пиёда қўшинлари бўлган ҳарбий-транспорт кемасининг юборилганлиги диққатни ўзига жалб этади. Бундан ташқари, Гондурас ҳарбий ҳаво кучлари базаларига ҳар куни АҚШнинг интервентлар учун мўлжалланган қуроллар ортилган ва Америка ҳарбий «маслаҳатчилари» деб аталмиш кимсалар бўлган уч-тўрт самолёти келиб қўнмоқда. Американинг жосус самолётлари ва ҳарбий кемалари доимий равишда мамлакат ҳаво ва территориал сувлари чегараларини бузмоқда.

Айни вақтда Марказий разведка бошқармаси Никарагуа ичкарисида маҳфий қўпорувчилик операцияларини ўтказиш, жумладан диверсиялар, саботаж уюштириб, аксилинқилобий кучларни тўпламоқда ва уларни пул билан таъминламоқда.

АҚШнинг авантюристик йўли революцион галабаларини сўнгги томчи қони қолгунча ҳимоя қилишга шай бўлиб турган Никарагуа меҳнаткашлари н и н г қаҳр-газабига учрамоқда. Никарагуа Армияси мустаҳкамланм о қ д а, мамлакатнинг минглаб граждан-лари халқ милицияси сафларига қўшилмоқдалар. Империализм ва Марказий Америка реакцияси республикага қарши агрессия бошлагудек бўлса, деди Никарагуа Миллий уйғониш ҳукумати раҳбар кенгашининг аъзоси Р. Кордова Ривас, бу агрессияга биз бутун Никарагуа халқининг революцион уруши билан жавоб берамиз. Ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар эрксевар Никарагуа халқи томонидадир.

Н. ЧИГИРЬ,
ТАСС шарҳчиси.



Тўқимачилик комбинатининг 2-филиали ишга тушганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу ерда ўнлаб меҳнат пешқадамлари фидокорона тер тўкмоқдалар. В. Калинина ана шу филиалнинг илғор ишчиларидан саналади. Социалистик мусобақа ғолиби, ёшларнинг меҳрибон мураббийси В. Калинина смена топшириқларини ортиғи билан 120 процентдан бажариб келмоқда.
СУРАТЛАРДА: ўнгда— В. Калинина; чапда— цех кўриниши.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари—ҳаётга!

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ ВА КАДРЛАР

ФИДОЙИ БЎЛАЙЛИК

Озиқ-овқат программасини бажариш миллион-миллион совет кишиларининг зўр ғайрат билан меҳнат қилишини талаб этади. Кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши, уларнинг билимлари ва ташкилотчилик санъати, партиянинг омма ўртасидаги ишларда тўпланган бутун бой тажрибаси—шуларнинг ҳаммаси ишга солиниши лозим.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

1. МЕҲНАТ ЧИНИҚТИРАДИ

(СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ ДИРЕКТОРИНИНГ КАДРЛАР БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ В. ЗАЗУЛЯНИНГ КИРИШ СЎЗИ).

— Озиқ-овқат программасида кадрлар масаласининг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилиши бу масаланинг нечоғли катта аҳмияти борлигидан далолат бериб турибди. Нега деганда, мамлакатимиз халқ хўжалигини, иқтисодий ривожланишни бугунги кунда ёшлар меҳнатисиз тасаввур қилиш қийин. Янги кадрлар— янги зафарлар, янги кўрсаткичлар демакдир. Ёш кучларнинг ишлаб чиқаришга келиб қўшилиши —янги муваффақиятларнинг бошланишидир. Демак, «Серғайрат ва шижоаткор ёшларга кенг йўл!» Бу шиор эмас. Долзарб кунларимизнинг қатъий талаби бу.

Ҳар куни 15 — 20 нафар, баъзан эса бундан ҳам кўпроқ ёшлар коллективимизга келиб қўшилишади. Уларнинг ҳар бири юрагида олови, билагида кучи бор ёшлар, кўзларида порлаб турган шиддатни кўриб қувонасан киши. Ҳозир заводимизда 11 мингдан кўпроқ ишчи меҳнат қилади. Шундан 900 нафари меҳнат ветеранлари —ёш ишчилардан меҳрини, маслаҳати ҳамда билимини аямайдиган, тажрибали мураббийлардир.

Бир қарашда кадрларга муҳтожлик йўқдан кўринади. Аммо, ветеранлар ўрнини кимдир босиши керак-ку?! Улар ҳам ўз вақтида кимнингдир ўрнини босишган, кимнингдир анъанасини қабул қилишган. Ветеранлар ўз ворисларига ҳамиша ишонч билан қарашади. Ворислар эса мана шу муқаддас ишончга муносиб бўлишлари керак.

Уларни меҳнат чиниқтиради. Улар ҳалол меҳнатлари билан ветеранларнинг ўзларига бўлган ишончини мустаҳкамлайдилар, эзгу анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайдилар.

Ҳозир корхонамизда меҳнат қилаётган ишчиларнинг салкам 60 процентини ёшлар ташкил этади. Бундан 10—15 йил бурун ишлаб чиқаришнинг бутун оғирлиги меҳнат ветеранлари ёки ёши 40 дан ошган ишчилар елкасига тушар эди. Ёш ишчиларнинг қалб амри билан корхоналарга келиши яхши ҳодиса. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яширишнинг ҳожати йўқ, ишга келган ёш ишчи бирданига катта ойликка кўз тикади. Унда ишни пухта, қунт билан бажариш истаги кучли, аммо малака ва тажриба етарли эмас. У бажарган ишга эса кам ойлик чиқади. Ишга кирганига уч-тўрт ой бўлмасдан ёш ишчимизнинг ҳафсаласи пир бўла бошлайди. Ишчи кечикиб келиш, ҳар хил баҳоналар, прогул... У энди қандай бўлмасин заводдан кетиш йўлларини ахтаради, кўрибсизки, тоғни урса талқон қиладиган ишчимиз кунларнинг бирида аризасини кўтариб остонамизда турибди. Бунга нима дейсиз? Албатта, бундай ҳоллар корхонамизда жуда кам содир бўлади, аммо бизни бошқа нарса ташвишга солади: «Ҳафсаласи пир бўлган» ишчимизнинг «тарғиботи»дан руҳланган унинг «оғайниси» ҳам эртасига ариза кўтариб ҳузуримизда пайдо бўлади. Индинига «оғайнисининг оғайниси»... Шунинг учун бундай ҳодисаларга барҳам бериш мақсадида корхонада мураббийчилик ҳаракатига катта эътибор бериб келмоқдамиз. Ҳар бир цехда меҳнат ветеранлари совети ташкил қилинган. Совет аъзолари мураббийлар билан биргаликда ёш ишчиларни ўз касбларига меҳр билан қараш руҳида тарбияламоқдалар. Улар ёшлар кўтариб чиққан ҳар бир хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлашга, унга кенг йўл очиб беришга мададкор бўлмоқдалар. Бу тадбирлар, шубҳасиз, ишчиларнинг навқирон ва меҳнатсевар авлодининг корхонамизда мустаҳкам ўрнашиб қолишига катта ёрдам бермоқда.

2. СЕН ЗАВОДГА КЕЛДИНГ

(ЛИРИК ЧЕКИНИШ)

Мана, кадрлар бўлимидан чиқдинг, қўлингда сени шу заводнинг ишчиси эканлигингни тасдиқловчи ҳужжат.

Шу заводнинг ишчиси...

— Энди сен шу цехда ишлайсан,— дейди сени бошлаб бораётган мастер, дастгоҳлар гуриллаб ишлаётган кенг ва баланд бинога кираркансизлар.— Мана бу дастгоҳда, мана бу киши билан.

Бу ерда ҳамма нарса тўхтовсиз ҳаракатда: ишчилар ҳаракат қилмоқда, дастгоҳлар бир зум тинмайди, осма электр кранлар ҳам «ўз вазифасини бажармоқда», Бу чексиз ҳаракатдан довдираб қолган кўзларинг бирдан қаршингда чеҳрасидан меҳр кўзларидан нур ёғилиб турган одми коржомадаги ҳоргин кимсага тушади.

— Хуш келибсан!— дейди у самимий, меҳрибонлик билан жилмайиб. — Бирга ишлаймиз.

Бирдан мактабинг, қувноқ синфдошларинг, мактаб стадиони, сени мустақил ҳаётга кузатиб қўйган ўқитувчиларинг чеҳраси, сен учун ардоқли бўлган яна кўп нарсалар кўз олдингда намоён бўлади, «сўнгги қўнғироқ»ни яна бир бор эшитгандай бўласан ва буларнинг барчаси сенга муваффақият тилаётгандай, энди бундан буён тақдиринг, ҳаётинг гуриллаб турган мана шу цех, шу дастгоҳ, қаршингда хайрихоҳлик билан жилмайиб турган шу ҳоргин кимса билан чамбарчас боғлиқ эканлигини чин дилдан ҳис қиласан.

Бардам бўл!

3. МЕХАНИКА ЦЕХИДА

— Завод коллективи қўлга киритаётган муваффақиятлар ҳақида ким гапирсин, у албатта, биринчи навбатда механика цехини тилга олиб ўтади. Сабаби: бу цех корхонанинг энг илғор бўлинмаларидан саналади, бошқа цехлар ундан ибрат олсалар арзийди, нега деганда, бу цехнинг катта-ю ёш ишчиси ҳалол меҳнат қилади..

Завод партия комитети секретарининг ўринбосари Н. Белозеровнинг бу сўзлари шунчаки йўлда-жўлда айтилган сўзлар эмас. Цех ишчиларининг қизгин меҳнатини кўриб бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Цехда жами 280 киши, шу жумладан 130 нафар коммунистик меҳнат зарбдори, 25 нафар меҳнат ветерани —ёш ишчиларни оталиққа олган мураббийлар, шунингдек, 33 нафар коммунист —ишчилар меҳнат қилишади. Бу ерда асосан тракторларга мўлжалланган 15 хилдан кўпроқ деталлар ҳамда эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Тайёрланаётган деталларнинг кўпчилик қисми фахрли беш қиррали белги билан муҳрлангандир.

— Корхонамиздаги бошқа бўлинмалар сингари,—дейди Н. Белозеров, —пешқадам механика цехи ишчилари ҳам КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларини бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар, мамлакатнинг 1990 йилгача бўлган Озиқ-овқат программасини амалга оширишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Кадрлар масаласига келганда цехнинг нолийдиган жойи йўқ. Чунки цехда ишлаётган ёш ишчиларнинг малакаси ҳам, тажрибаси ҳам етарли, ветеран ишчиларникидан қолишмайди.

Қишлоқ хўжалиги машиналарининг сифатлилигини таъминлаш Озиқ-овқат программасида алоҳида таъкидланиши бежиз эмас, албатта. Айтайлик, трактор қанчалик сифатли қилиб тайёрланган бўлса, у бажарган ишнинг сифати ҳам шунча яхши бўлади. Тракторнинг сифатлилигини таъминлаш эса қисмлар, деталларнинг сифатига боғлиқ. Шунинг учун цех коллективи маҳсулот сифатини яхшилаш масаласини биринчи ўринга қўйган. 1990 йилга бориб тайёрланаётган деталларнинг ҳаммасини давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариш цех коллективининг ягона мақсадидир.

Шу кунларда цех ишчилари буюк мамлакатимиз ташкил топган кунининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида улар 5 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашди. Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида эса цех бўйича 2 миллион 340 минг сўмлик, шу жумладан пландан ташқари 10 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Пешқадам цехнинг меҳнатсевар ишчилари юбилей йилида 5 миллион 595 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш ниятидалар.

Шу кеча-кундузда цех фидокорлари яна бир хайрли ташаббус — йиллик план-топшириқларни 1 декабргача бажариш ҳаракати билан майдонга чиқишди. Цехнинг М. Туробов, В. Дубинина, В. Тишина, Г. Боқибоев, Ф. Низомиддинова, З. Шарафутдинов, Р. Отаев, В. Аласания, В. Тен, А. Козлов, В. Харитонова, Г. Самигуллин, А. Евтеев, А. Қутранова сингари 130 дан ортиқ ишчиси СССР 60 йиллиги шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада ғолибликни қўлдан бермай меҳнат қилмоқда. Бу ишчиларнинг фидокорона меҳнати—цех эришаётган муваффақиятларнинг гарови бўлмоқда.

Бу ерда цех комсомол-ёшларининг ғайратини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Улар кўпчилик ҳолларда намуна кўрсатмоқдалар. 70 нафар ёш ишчининг ҳаммаси меҳнатга ҳалол муносабатда бўладиган, ўз иши, касбига меҳр қўйган интизомли йигитлар. Улар ишни ҳалол бажариш, план-топшириқларни мудом ошириб адо этиш билан ўз тенгдошларига ўрнак бўлишмоқда, М. Умаров, В. Кон, П. Емберганов, О. Мажидов сингари фидойи ёшлардан цех коллективи ҳар қанча фахрланса арзийди. Бу шижоаткор ёшлар меҳнати шунчаки меҳнат эмас, улар корхонада ўз авлодларининг сермазмун таржимаи ҳолини яратмоқдалар.

4. «ЁШЛАРСИЗ ҚИЙИН БЎЛАДИ...»

(7-МЕХАНИКА ЦЕХИНИНГ ИШЧИСИ, КПСС XXVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИ, ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ КАВАЛЕРИ М. ТУРОБОВ СЎЗИ).

— Май кунларидан бирида мени шаҳримиздаги мактаблардан бирига учрашувга таклиф қилишди. Мактабга етиб борганимда ҳовлида ўнинчи синф ўқувчилари аллақачон йиғилиб бўлишган эди. Улар учун бугунги тонг ҳам ҳаяжонли, ҳам қандайдир оғриқли эди: Бугун сўнгги қўнғироқ чалинадиган кун, ахир! Чеҳраларида ҳам қувонч, ҳам ҳаяжон. Уларни олдинда нималар кутмоқда? Бу савол мени ҳам қийнамоқда эди.

Битирувчиларни одатдагидек ота-оналар, ўқитувчилар, меҳмонлар табриклашди. Мен ҳам бу заминда меҳнат қилишнинг нақадар катта бахт эканлиги, унда туғилишнинг ўзи мўъжизалиги, умр мазмуни ҳақида бир неча оғиз сўз айтдим. Қандайдир ўн—ўн беш дақиқа ичида бировни тақдирини ўзгартиришга ишонтириш қийин, албатта. Аммо бугунги битирувчилар нима қилишларини, қандай касбнинг бошини тутишларини яхши билишади. Бу қувончли ҳол. Рости, ўша кун мен мамнун бўлиб қайтдим. Нега деганда, ҳар бир битирувчи аллақачон, ҳали мактаб партасидан ажралмай туриб ўз касбини, қиладиган ишини биларкан. Бу яхши.

Қиламан деса иш кўп. Партиянинг Озиқ-овқат программаси халқимиз олдига жуда катта вазифаларни қўйди. Ана шу программани амалга ошириш бугунги кунда ҳар бир совет граждани, жумладан, эндигина мактаб остонасидан заводга, фабрикага, колхоз ёки совхозга, қурилишга келган, димоғидан мактаб стадионининг ғубори ҳали кетмаган ўсмирлардан ҳам кучини, шижоатини аямасдан меҳнат қилишни талаб этади.

Энди икки оғиз сўз устоз-шогирдчилик тўғрисида. Ёшларда меҳнатга нисбатан меҳр уйғотишнинг энг яхши йўли уларга аввал намуна кўрсата билиш керак. Ана шу намунани кимдир кўрсатиши шарт. Аммо биз— тажрибали ишчилар, ҳаммамиз ҳам шундай қилавермаймиз. Мана, бир тажрибали ишчини олайлик. У—мудом планларни ошиғи билан бажариб келади, у —меҳнат пешқадами, бироқ «бегоналар»ни яқинига йўлатмайди: «Ортиқча ташвиш». У кимни тарбиялаяпти? Бундай тажрибали» ишчидан корхона қандай фойда кўради? У ўзининг анъанасини кимга топширади?

Аммо бизнинг цехимизда мураббий ишчилар билан ёшлар ўртасидаги бундай «муомала»га аллақачон барҳам берилган. Масалан, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери В. Дубининани олайлик. Бу тажрибали ишчи ўн, ўн беш йил ичида ўнлаб ёшларга ўз тажрибасини сингдирди, уларга «оқ йўл» тилади. Айни пайтда унинг шогирдлари корхонада ишлаб чиқаришнинг олдинги марраларида меҳнат қилишмоқда. Аммо, у шу билан чегараланиб қолгани йўқ. Ҳозирги кунда ҳам ўндан ортиқ ёш ишчилар В. Дубинининг тажриба мактабидан баҳраманд бўлишмоқда.

Яна ўша май тонгида мактаб ҳовлисида йиғилиб турган битирувчиларнинг қувончли ҳамда ҳаяжонли чеҳраларини кўз олдимга келтираман. Битирувчилар бугунги кунда нимани, қайси касбни танлашади? Мен жуда яхши биламан: уларсиз бизга жуда қийин бўларди, бугунги кунда янада қийин, эртага эса бундан ҳам қийинроқ бўлади.

С. САИДОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ЗАВОД ЧАМАНЗОРИ

Табиатдан баҳра олиш қувончи Тошкентдаги Қуйлиқ кўприкбоп темир-бетон конструкциялари экспериментал заводи ходимлари учун меҳнат унумдорлигини оширишнинг қўшимча резерви бўлиб қолди. Корхона шаҳарнинг собиқ ахлатхонаси ўрнида қад кўтарганлигини энди ҳатто тасаввур этиш ҳам қийин. Унинг бутун территорияси яшнаб турган чаманзорга айлантирилди.

Кўкаламзорлаштириш ишига коммунистлар бошчилик қилдилар. Партия бюросининг ташаббуси билан заводга таклиф этилган мутахассислар цехларнинг теварак-атрофидаги зоналарни ободонлаштириш планини таклиф қилдилар. Территорияга кириш йўллари бетонланди, шанбаликларда кўпчиликнинг кучи билан юзлаб дарахт, бута кўчатлари экилди, гулзорлар барпо этилди, спорт майдончалари жиҳозланди.

Корхонанинг бош инженери, партия бюросининг аъзоси В. Кишшев бошчилигидаги жамоатчилик комиссиясининг мажлисларида намунали тартиб ўрнатиш учун бошланган социалистик мусобақада иштирок этиш тўғрисида хўжалик раҳбарлари ва цех партия ташкилотларининг ҳисоботлари мунтазам равишда тинглана бошланди.

Завод территориясини озода тутишга, кўкатларни парвариш қилишга ҳар бир меҳнатчини жалб этиш одамларнинг ўзлари меҳнат қилаётган муҳитга бўлган муносабатини ўзгартирди. Цехларда гуллар пайдо бўлди, машина-ускуналарнинг ҳаммаси тоза ва шай ҳолатда сақланмоқда. Асбоб-ускуналарнинг кўпчилик қисми модернизация қилинди. Мана шуларнинг ҳаммаси коллективнинг баланд руҳ билан ишлашига, қурилиш объектларига маҳсулотни графикдан илдамроқ етказиб беришига имконият яратмоқда. Жами маҳсулотнинг тўртдан уч қисми Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Завод «ишлаб чиқариш маданияти юксак корхона» деган фахрий номга сазовор бўлган.

(ЎзТАГ).

СУНЪИЙ ДЕНГИЗ УЧУН

Ўзбекистоннинг жанубида қурилаётган Боботоғ каналининг сўнгги ўн тўрт километрли участкасида ишлар бошлаб юборилди. Қисқа муддат ичида канал ўзанини қазиш, унинг остига сел сувини олиб кетадиган қувурлар ётқизиш, каналнинг адоғида учта бетон поғона қуриш лозим. Жами, 2,9 миллион кубометр ер қазиб 600 минг кубометрдан кўпроқ тупроқ кўчириш керак.

Шу участка ишга туширилиши билан Сурхон дарёсидан сув оладиган жанубий Сурхон сув омборини яна битта бақувват манба — Амударёга боғлаш мумкин бўлади.

Ҳозир қурилишда областдаги катта-катта сув хўжалик қурилиш ташкилотларидан келтирилган ўнлаб экскаваторлар, бульдозерлар, скрейперлар, шунингдек кўпдан-кўп автомашиналар ишламоқда. Улар икки миллион кубометрдан зиёд ер суришлари лозим. Қурувчилар участкани йил охиригача битириб топширишмоқчи.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ОМИЛКОРЛИК АСОСИДА

СОФИЯ. Бургас округидаги корхоналарда рационализаторлик ва ихтирочиларнинг таклифларини жорий этиш натижасида шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида беш миллион левдан ортиқ маблағ тежалди. Бургас шаҳридаги нефть химияси комбинатининг коллективи ҳақли равишда новаторлар ҳаракатининг байроқдори деб ҳисобланади. Бу ерда жорий этилган илмий-техника ечимлари давлатнинг икки миллион лев маблағини тежаш имконини берди.

Округдаги бошқа коллективларнинг ташаббуси Болгарияда рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатини ривожлантиришда катта роль ўйнади. Масалан, Г. Иванов номидаги ёғочсозлик комбинатида рационализаторлар клуби очилди. Бу клубнинг ишида корхона ишчилари ва мутахассислари қатнашмоқдалар. Клубнинг ҳар бир аъзоси бу йил ўзининг йиллик иш ҳақидан кўпроқ иқтисодий самара берадиган таклиф киритиш мажбуриятини олди.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА РИВОЖЛАНМОҚДА

ХАНОЙ. Хайфон денгиз порти яқинида жойлашган Батьданг кемасозлик корхонасининг меҳнат коллективи ВСР нинг бўлажак миллий байрамини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага бажонидил қўшилди. Зарбдор вахта давомида кемасозлар иккита паромни ва икки минг тонна юк кўтара оладиган баржани қуриб битказдилар.

Ҳозир Вьетнамда социалистик мусобақа меҳнат коллективлари турмушининг ўзига хос белгиси, улар эришаётган ишлаб чиқариш муваффақиятларининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди. Халқ хўжалигининг бир қанча муҳим корхоналарини қуришда Вьетнамга ёрдам бераётган совет мутахассислари вьетнамлик ишчилар билан бирга меҳнат қилаётган объектларда мусобақа айниқса кенг қулоч ёзди.

А. НИЗОМИДДИНОВ.

ХАЛҚАРО ДАМАШҚ ЯРМАРКАСИ

ДАМАШҚ. Сурия пойтахтида 29-халқаро Дамашқ ярмаркаси очилди.

Бу йил 38 давлатнинг павильонлари ўз эшикларини кенг очиб қўйди. Яна 20 мамлакатнинг айрим фирмалари ва компаниялари ўз маҳсулотларини кўргазмага қўйган. Сурия Араб Республикаси энг катта кўргазмани тақдим этди. Унинг моллари мамлакат миллий экономикасининг турли тармоқлари муваффақиятли ривожланаётганини, Сурияning иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ишидаги ютуқларини акс эттиради.

Совет Иттифоқи Дамашқ ярмаркасининг доимий қатнашчисидир. Совет павильонига келган томошабинлар станоксозлик, электр техника, авиация саноати маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари билан танишадилар.

Сурия Араб республикаси экономика ва ташқи савдо министри Салим Ясин ярмаркани тантанали очиш маросимида сўзлаган нутқида бу ярмарка унда қатнашувчи мамлакатлар билан Сурия компаниялари, маҳкамалари ва ташкилотлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади, деб умид билдирди. С. Ясин Сурия билан социалистик мамлакатлар ўртасида қарор топган иқтисодий муносабатларни юқори баҳолади.

«АФҒОНИСТОН ҲУКУМАТИ ВА ХАЛҚИ ТИНЧЛИККА ИНТИЛМОҚДА»

ЛОНДОН. Буюк Британия тамакичилар касаба союзи бош секретарининг ўринбосари Терри Марслэнд яқинда делегация составида Афғонистон Демократик Республикасида бўлди.

У «Морнинг стар» газетасида қуйидагиларни ёзади: мамлакат бўйлаб саёҳат қилган пайтимизда турли министрликларнинг вакиллари билан, касаба союз активлари ва оддий деҳқонлар билан учрашиш учун имконият яратиб беришди. Афғонистон ҳукумати ички сиёсатининг асосий мақсади, деб таъкидлайди Т. Марслэнд, маориф, соғлиқни сақлаш ва меҳнаткашларнинг социал таъминоти соҳасидаги вазифаларни ҳал этишдан иборат. Мамлакат ҳукумати феодал ўтмишнинг энг оғир оқибатларидан бири — саводсизликни тугатиш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Мамлакатнинг ҳамма қисмида саводсизликни тугатиш курслари ташкил этилган. Контрреволюцион кучлар бунга жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатмоқда. Бизга, деб ёзади Т. Марслэнд, босмачиларнинг мактабларга қароқчиларча ҳужум қилганлиги ва ўқитувчиларни ўлдирганлиги тўғрисида сўзлаб беришди. Афғонистоннинг қишлоқ районларидан бирига келишимиз арафасида контрреволюционерлар уч нафар ёш ўқитувчи аёлни мактаб остонасида ваҳшийларча ўлдирганлар.

Делегация вакили Қўшма Штатлар билан Буюк Британиянинг сиёсатини кескин танқид қилди. Қўшма Штатлар ва Буюк Британия қўшни давлатларнинг территориясидан Афғонистонга қарши эълон қилинмаган уруш олиб бораётган шахсларни қўллаб-қувватламоқдалар ва уларга ҳарбий ёрдам бермоқдалар.

Британия бош министри ва Америка президенти Польшада «инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги» тўғрисида фарёд қилаётган бир пайтда, деб ёзади Т. Марслэнд, ғарб томонидан Корея, Вьетнам, Чили, Гватемала ва Сальвадорда қилинган жуда кўп жиноятларни эсга олиш керак. Бу мамлакатларнинг халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашмоқда, меҳнаткашлар ўз тақдирини ўзлари ҳал этишга уринмоқдалар. Реакция кучлари эса ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун шафқатсиз методларни ишга солмоқда.

Мен, деб уқтириб ўтади Т. Марслэнд, Афғонистон бўйлаб қилган сафарим натижасида бу мамлакатнинг ҳукумати ва халқи тинчликка ва барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйишга интилаётганлигига ишонч ҳосил қилдим.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Питешти шаҳридаги автомобиль корхонаси йиғув конвейеридан «730.000» номерли «Дачия» автомобили чиқди. Завод коллективи 14 йил ичида шунча миқдорда енгил машина ишлаб чиқарди. Питешти корхонасининг мутахассислари шу автомобилнинг ўн турини яратдилар. «Ёнилғини кам сарфлаши ва замонавий кузови билан фарқ қиладиган «Дачия—1310» автомобили корхонанинг яна бир муваффақиятидир. Бу автомобиль янада қулай ва хавфсиз мосламалар билан жиҳозланган.

Руминиянинг «Дачия» автомобили жаҳондаги 25 мамлакатга юборилмоқда.

* * *

ЖЕНЕВА. Швейцария полициячилари милитаризмга қарши шиор остида, ҳозирги замон ҳарбий техникаси виставкасига қарши норозилик юзасидан ўтказилган намойиш иштирокчиларига кўздан ёш оқизувчи газ тўлдирилган гранаталарни қўлландилар. Бу виставка Швейцария офицерлари жамияти ва федерал ҳарбий департамент ташаббуси билан очилган. Бетараф Швейцарияда милитаристик тадбир ўтказилишига қарши норозилик билдириш учун мамлакатнинг ҳамма томонидан Фрауэнфельд шаҳрига 7 мингдан кўп намойишчи келди. Бу ерда ҳар йили АҚШ ва бошқа НАТО мамлакатларининг замонавий ҳарбий техникаси намойиш қилинади.

* * *

ТОКИО. Япония корхона эгалари ёлланган ишчиларига иш ҳақини тўламай қарийб 6,7 миллиард иен маблағни ўз чўнтакларига солдилар. Японияда ўтган йилнинг октябрь ойидан шу йилнинг март ойигача корхона хўжайинлари ишчиларга қарийб 7 минг марта иш ҳақи тўламаганликлари рўйхатга олинди, дейилади меҳнат министрлигининг бу ерда эълон қилинган докладида. Корхона эгаларининг бундай бебошлиги айниқса бинокорлик саноатида авжига чиққан.

СССРнинг ёрдами билан

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг давлатга қарашли энг катта «Хэви инжиниринг корпорейшн» деган машинасозлик компанияси рекорд кўрсаткичларга эришди. Апрель ойида бошланган 1982—83 молия йилининг дастлабки тўрт ойи мобайнида компания корхоналари 400 миллион рупиялик миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу — ўтган йилги мана шундай кўрсаткичдан 13 процент ортиқдир.

Корпорациянинг бош корхонаси— Ранчи шаҳридаги Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий кўмаги билан қурилган оғир машинасозлик заводи домна ва пўлат қуйиш асбоб-ускуналари, кранлар ва экскаваторлар ишлаб чиқармоқда.

АҚШ. Гаитиликлар қонли Дювалье тузумидан қочиб, турли йўллар билан Қўшма Штатларга ўтиб олишга интилмоқдалар. Аммо «умумий фаровонлик» мамлакатида уларни қамоқ нишонлари кутмоқда. Чунки келгинди шахслар сақланадиган марказлар концентрация лагерларидан кам фарқ қилади.

СУРАТДА: Кромедаги (Флорида штати) махсус лагерда яшаётган Гаитилик қочоқ ўз тақдирининг ҳал этилишини кутмоқда.

АП—ТАСС фотоси.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

БУХАРЕСТ. Электрлаштирилган Бухарест — Сучава темир йўл магистрали ишга туширилди. Магистраль пойтахт билан республиканинг энг катта уезд марказларидан бирини ўзаро боғлайди. Янги транспорт йўли бу маршрутда юк ва пассажир ташиш сарфини 35 процент камайтиришга имкон беради.

Узунлиги 11 минг километрдан зиёд бўлган темир йўллар Руминияда транспортнинг энг муҳим тури ҳисобланади. Шу беш йилликда темир йўлда юк ва пассажир ташиш ҳажми 18—20 процент ошади.

* * *

ХАНОЙ. Ишлаб чиқариш рационализаторлари ва новаторларининг оммавий ҳаракати Хошимин шаҳридаги машинасозлик корхоналарида кенг қулоч ёзган социалистик мусобақанинг таркибий қисми бўлиб қолди. Шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида рационализаторлар ва новаторларнинг жорий этган техника янгиликларидан 140 минг донглик кўпроқ иқтисодий самара олинди. Кўплаб миқдорда хом-ашё ва материллар тежаб қолинди. Меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати ошди.

* * *

БАЙРУТ. Тель-Авив босиб олган Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Наблус шаҳрида Ливан ва Фаластин халқларининг Исроил агрессиясига қарши мардонавор кураши билан бирдамлик юзасидан оммавий намойиш бўлиб ўтди.

Босиб олинган араб территорияларидаги турли Фаластин хотин-қизлар ташкилотларидан юзлаб хотин-қизлар Исроил ҳарбийларининг ёвузликларига қарши, сионистларнинг Ғарбий Байрутда болалар, хотин-қизлар ва кексаларни кўплаб ўлдираётганлигига қарши қатъий норозилик билдириш учун Наблус шаҳрига тўпланишди.

* * *

ПАРИЖ. «Моте — Боссю» тўқимачилик компаниясининг маъмурияти Рубе шаҳридаги фабрика ёпилишини эълон қилди.

НЕГА ЎКИНАСАН, УКАМ?

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Ҳурматли редакция! Мен уч йилдан буён институтга кириш нияти-да Тошкентга келаман. Ҳар гал балим етмаганлиги учун ўқишга киролмайман. Бу сафар келаётганимда уйда катта жанжал бўлди. Дадам «Шу йил ҳам ўқишга киролмасанг кунингни кўрсатаман, сенда ор-номус борми ўзи?» деб қаттиқ қойди. Энди ҳам студент бўлолмасам уйга қай юз билан қайтиб боришни билмайман. Нима қилай? Нима деб маслаҳат берасизлар? Салом билан Камол..

Бундай мактублар Камолга ўхшаган ёшлардан кўплаб келяпти. Чиндан ҳам олий ўқув юртига ҳужжат топшириб кириш имтиҳонидан ўтолмай қолаётган ёшлар оз эмас. Уларнинг сони йил сайин кўпайса кўпайиб боradики, озаймайди. Бунинг сабаби нима? Нима учун не-не орзулар билан институт остонасига қадам қўйган кечаги ўқувчи бугун студент бўлолмайди?

Инсоф билан айтганда баъзан билими пухтароқ йигит ёки қиз ўринга билими унчалик пухта бўлмаган ёшларнинг студент бўлиб олиш ҳоллари йўқ эмас. Бироқ, бу фактни умумлаштириш, зарурий шартга айлантириб қўйиш ҳам тўғри эмас.

Бундан бир неча йил илгари Боботоққа борган эдик. (Биласиз, бу тоғ республикамизнинг жанубида, Сурхандарё областида). Тоғда ҳандон писта майдони бор экан. Йўқ, писталар атайлаб экилган эмас, бироқ уларни шу ҳолда ташлаб қўйиш ҳам ярамайди. Чунки ҳандон писта мойидан жуда керакли ҳом ашё олинади. Шу боисдан пистазорга қарайдиган хизматчилар керак. Ўн-ўн беш хонадон катта майдондаги пистазорга хизмат қилар экан. Бу оилалардаги болалар қаерда ўқиши билан қизиқиб қолдик. Энг яқин қишлоқ бу ердан камида 15 чақирим нарида. Шунда бизга мактабни кўрсатадиган бўлишди. Чеккарокдаги хўкрага олиб киришди. Бўйи 4 метр, эни 3 метр келадиган хонада бир эшик, бир дераза бор экан. Хонанинг поли ҳам, токисроқ шифти ҳам йўқ. Ерга икки қатор парта қўйилган

— Мактабимиз мана шу, — деди ёш ўқитувчи. — 4-синфгача болалар шу ерда ўқийди. Тушгача биринчи синф билан иккинчи синф, тушдан кейин учинчи синф билан тўртинчи синф болалари дарс ўқишади. Бир қаторда битта синф боласи, иккинчи қаторда иккинчи синф боласи ўтиради. Доскани бўр билан иккига бўлиб ёзаверамиз.

— Ахир бу қанақасига мактаб бўлсин! — дедик ҳайрон қолиб. — Бу ерда ўқиган болалар қанақа илм олиши мумкин?

Ёш ўқитувчи мийиғида кулди:

— Нима деяпсиз, домла. Мана шу мактабда ўқиганлар орасидан иккита олим чиққан. Бири медицина фанлари кандидати, яна бири география фанлари кандидати. Ўзим ҳам шу мактабда ўқиганман. Институтни битириб ўз мактабимга ишга келдим.

Ўқишга киролмаслигидан нолийдиган, «адолатсизлик»дан шикоят қиладиган ёшларни кўрганимда ўша воқеа эсимга тушаверади. Демак, гап болаларнинг қаерда ўқишида эмас, унинг қандай илм олишида экан-да! Ҳолбуки, олий ўқув юртига кираётган аксарият абитуриентлар ўз илмини жуда чуқур деб ўйлайди-ю биринчи имтиҳонданоқ «йиқилиб» чиқади. Шундан кейин гўё бутун дунё адолатсизлик билан тўлиб кетгандек, унга нотўғри баҳо қўйишгандек туюлаверади. Рост, баъзан шундай фактлар ҳам учрайди. Лекин боланинг мактабда олган илми чуқур бўлса, эртами-кечми, албатта, олий ўқув юртига киради.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ҳозир бизда студентлар кўп, жуда кўп. Студент бўлишни хоҳлайдиганлар ундан ҳам кўп. Статистик маълумотга қараганда Ўзбекистон ҳар минг кишига неча нафардан студент тўғри келишини ҳисобланганда Англия, Франция, Япония, ГФР каби энг тараққий этган мамлакатлардан анча олдинда турар экан. Бу— мамлакатимизда, жумладан Ўзбекистонда ёшларнинг илм олиши учун, малакали мутахассис бўлиши учун ҳамма шароитлар яратилганидан далолат беради. Бироқ қайси олий ўқув юртига борманг бўлажак ҳар бир студент ўрнига 10 — 15 нафардан талаба тўғри келаётганини гапиришади. Боринг-ки, ҳужжат топширганлар сони ҳар бир ўрин учун 10 эмас 5 киши бўлсин. Хоҳлаймизми, хоҳламаймизми шулардан биттасигина студент бўлади. Хўш, қолган тўрт йигит-қиз нима қилиши керак? Бошини деворга уриб ёриши керакми? Қизиқ, баъзи ота-оналар боласининг қайси касбга қизиқишини суриштириб ҳам ўтиришмайди. Айтайлик, ўрта мактабни битирган ўғил ёки қиз педагог бўлишни хоҳлайдию отаси уни врачликка ўқишга мажбур қилди. Боринг-ки, шунга эришди ҳам. Кейинчи, кейин нима бўлади? Кўнгли ўқитувчиликни хоҳлаган йигит ёки қиздан қанақа врач чиқиши мумкин? Давлатимиз ҳар бир студентнинг ўқиши учун йилига ўртача минг сўмга яқин маблағ сарфлайди. Бундан чиқди давлатнинг 6 минг сўм пули кўкка совурилиб кетаверадими? Албатта, ўша студент амаллаб дипломни қўлга киритишиям мумкин. Лекин бунақа мутахассисдан жамиятнинг ота-онаси, «қийинчиликдан узоқроқ туриши»ни мўлжалласа. Аслида олий ўқув юртига шу мўлжал билан кириб олишга интилишнинг ўзи бориб турган мунофиқлик-ку!

Бундан бир неча йил илгари Москвадаги техника институтларидан бирида анкета тарқатиб студентлардан «Сиз ўзингиз танлаган касбни севасизми», деб сўрашган. Шунда институтдаги 12 процент студент «Йўқ, мен касбимни нотўғри танлаганман», деб жавоб қилган. Яна 18 процент студент эса «Ростини айтсам, нимага ўқиётганимни ўзим ҳам билмайман», деб мукмал жавоб берган. Кўриниб турибдики, шу институтдаги 30 процент йигит-қиз студентлик курсисини нотўғри эгаллаган. Литвада қилинган тажриба ундан ҳам қизиқ. 9-синф ўқувчиларидан ким бўлишни хоҳлайсиз деб сўрашган. Кейин ким қайси касбни орзу қилган бўлса ёзги каникул пайтида ўша соҳада бир ойдан ишлатиб кўришган. Шунда болалигидан врач бўлишни орзу қилиб юрган қиз иккинчи касалхонанинг бетини кўрмай, деб қочиб кетган. Хўш, мана шу қиз медицина институтига кирса нима бўларди?!

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими студент бўлиш тенгқурларидан ажралиб туриш, ҳаммадан устунроқ бўлиш демакдир, деган фикрдан ҳоли бўлмоқ керак. Шундагина Камолга ўхшаб тушкунликка тушадиган ёшлар ҳам, ўқишга киролмасанг қорангни кўрсатма, қабилида даг-дага қиладиган ота-оналар ҳам камаяди. Ахир ёшлар учун ҳамма эшиклар очиқ. Ўнлаб ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, сиртқи бўлимлар, заводлар, совхозлар, фабрикалар, колхозлар, қурилишлар ёшларнинг меҳнатига муntазир. У ёки бу соҳани жон дилдан севадиган одам эса эртами-кечми шу соҳада мутахассис бўлиши мумкин. Шундай экан, ўқишга киролмадим, деб ўқиниб юришнинг кераги йўқ. Бу ҳақиқатни табиий ва оддий равишда тушуниб олиш учун ёшларга ота-оналари, корхоналарнинг раҳбарлари кўмак беришлари лозим.

У. ҲАМИДОВ.

БИЛИБ ҚЎЙИГАН ЯХШИ

«СОКИН КУН» ҚОИДАСИ

АҚШнинг Нью-Жерси штатида Ошен-Гров шаҳарчаси бор. Бу ерда ҳаммаси бўлиб етти минг киши яшайди. Шаҳарчада ҳафтанинг сўнгги куни «Сокин кун»ларги тўғрисидаги қонун қабул қилинган: якшанба куни барча кўчаларда транспорт ҳаракати тақиқланади, кўчалар эса оғир чўян занжир билан тўсилиб қулфланади. Узоқ тортишувдан сўнг рухсат этилган ягона ҳаракат— бу ҳам бўлса, газеталарни велосипедда етказиб беришдир.

Умуман олганда шунга ўхшаш қоидалар бошқа жойларда, масалан, Европанинг қадимий шаҳарлари марказий районларида мавжуд (ҳали барча ерда занжир тўсиқ ўйлаб кўрилмаган). Шунга қарамасдан Ошен-Гров фахрланса арзийдиган ўрни бор: бу ерда «Сокин кун» қоидаси қарийб юз йил давомида амал қилиб келади.

* * *

ҚОШИҚЛАР МУЗЕЙИ

Руминия шимолидаги Кимпулинг-Молдовенеск шаҳрида дунёда ягона бўлган ёғоч қошиқлар музейи мавжуд. Унда 5400 экспонат сақланади. Барча қошиқлар гаройиб бўлиб, бир-биридан алоҳидалиги билан фарқ қилади. Бу коллекцияни маҳаллий ўқитувчи Руминияданги на эмас, ҳатто қатор хорижий мамлакатлардан ўн йиллар давомида тўплаган.

Қошиқсоз усталар ўз буюмларини фақатгина таом истеъмол қилиш учунгина эмас, балки хонага кўрк бериб туриши учун ҳам маҳорат билан ясаганлар. Бу, коллекциянинг бадиий қийматини янада оширади.

ҚИЗИҚАРЛИ ТАЖРИБАЛАР

ОФТОБИ НОН ВА ҚАЛАМПИР СОМСА

Нонни офтобда пиширганларини эшитганмисиз? Жаҳон пазандалигида бу фақат Панжоб ошхонасига хосдир. Пхуривали деб аталувчи бу нонининг хамири жуда суюқ қилиб, гуруч унидан қорилади. Хамирни оқ сурпга юпқа қилиб суркаб офтобга ёйиб қўйишади. Бирор соатлардан кейин хамир қотиб, матодан ажраганда олиб дастурхонга тортишади. Бу нон суюқ овқатларга тўғраб истеъмол қилинади.

Жаҳонда энг аччиқ сомса ҳам Панжобда тайёрланади. Хамиртурушсиз хамирдан жилд ёйиб худди биздагидек уч бурчак сомса тугишади, номи ҳам ўхшаш— самоса. Фақат қиймасига аччиқ қалампирнинг кўки ва қизилидан чопиб солишади, бунга туздан бошқа масаллиқ қўшилмайди.

Офтоби нонни тайёрлаш осон, ўзи ҳам хушхўр, қусурмачак, шўрвага тўғралса бўртади. Аччиқ сомса ҳам панжобликлар учун лаззатли туюлади. Агар буни ейишмаса чеҳралари очилмайди.

Тасаввур қилинг-а: уйқудан туриб ёки чарчаб, чанқаб келиб бир чойнак аччиқ чой ичганимизда қандай яйраб кетамиз, майин тер чиқиб шаббода юргач салқинлаб ҳузур қиламиз. Ана шундай ҳузурни панжобликларга қалампир сомса бахш этади.

К. МАҲМУДОВ.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

РАЪНО— ЎЗБЕК ҚИЗИ

Раъно бу кунни сира унутмайди. У мактабда ўқиб юрган кунларининг бирида санъат музейига, ўзбек хотин-қизларидан чиққан биринчи рассом Шамсирўй Ҳасанова устахонасига борганди. Аввало санъат музейи залларидаги бадиий баркамол картиналар, улардаги инсонни сеҳрлаб қўювчи бой жозиба, Шамсира опа ижодхонасида тақомилига етказилаётган асарлар Раъно қалбида рассомликка кучли иштиёқ уйғотди. Айниқса, Шамсирўй Ҳасановнинг Увайсий портрети устида қандай ишлаётганлиги ҳақида ҳикояси Раънода ҳам келгусида етук рассом бўлиш, Зебуннисо портретини яратиш орзусини уйғотди. Орадан йиллар ўтди, Раъно бу орзусига 20 йилдан кейин муваффақ бўлди.

Беш йил муқаддам Навоий номли адабиёт музейининг рассомлик устахонасида ажойиб ижодий жараён гувоҳи бўлишга тўғри келганди. Кенг ва ораста студия ўртасида ҳинд сарисига ўранган гўзал хоним мольберт олдида сурат чизарди. Сал берироқда эса устахона мутасаддиси бу рассом аёлнинг портретини яратмоқда. Ҳинд рассоми Раъно Ҳабиб музей буюртмасига кўра шоира Зебуннисо портретини ишлаётган ажойиб лаҳзаларни тошкентлик рассом Темур Саъдуллаев мўйқаламда полотнога муҳрлаётганди ўшанда.

Раъно Тошкентда туғилди, шу ерда ўсиб-улғайди. Унинг қариндошлари орасида рассомлар бўлмаса-да, қизалоқ ёшликдан санъатга меҳр қўйди. Зебуннисо портретини яратиш орзуси ҳам рассом бўлиб етишиш орзуси билан бирга туғилди. Ёшлигида Шамсирўй Ҳасанова ижоди билан яқиндан танишган Раъно портрет яратиш учун жуда кўп нарсаларни билиши лозимлиги, энг муҳими истеъдодини камолотга етказиб маҳорат эгаллаш шартлигини чуқур ҳис этди. Шу-шу у рангтасвир (живопись) бўйича ўқишга аҳд қилди. Устозлари ва педагогларидан Раънонинг омади келди. А. Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил кўра бошлади. Ҳозир РСФСР халқ рассоми бўлиб етишган Боқи Урманчи, Ўзбекистон ССР халқ рассомлари Виктор Уфимцев ва Оганес Татевосьянлар Раънонинг институтдаги биринчи устозлари эди. Евгений Мельников, Игорь Лимаков, Иван Енин, Лайло Салимжоновалар Раънонинг ҳамкўрслари, дўстлари эдилар.

Раъно институтни битиргач, уни «Ганг қизи» спектакли учун костюмлар бўйича рассом сифатида иштирок этишга таклиф этишди. Театрдаги бу ижодий меҳнат ёш рассом ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. У бу ерда спектакль таржимони ва консультанти, Ҳиндистон граждани Ҳабиб Санд билан танишди. Улар бир-бирини севиб қолишди. Тошкентда тўйларни ҳам бўлиб ўтди ва ёш оила Деҳлига кетиб қолишди...

Ўтган йигирма йил мобайнида Раъно Ҳиндистонда кўплаб ажойиб картиналар яратди. Ҳинд халқининг оддий меҳнаткаш кишилари ҳаёти Раъно асарларининг асосий мавзусини ташкил этади. Бу асарлар Раънонинг Деҳлида ташкил этилган бешта шахсий кўргазмаларида намойиш этилди. Бу кўргазмаларни Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Индира Ганди ва рассом Святослав Рерихлар ҳам бориб кўришди.

1977 йили профессор Ҳамид Сулаймонов Раъно Ҳабибни Навоий номли адабиёт музейи учун ўрта аср шарқи шоиралари портретини яратишга таклиф этди. Раъно бу таклифни катта қувонч билан қабул қилди. Чунки у ўзининг ёшликдаги орзуси— севимли шоира Зебуннисо портретини ўз Ватанида яратиш имконига эга бўлганди.

— Сен ким бўлган эдинг, Зебуннисо? — Раъно шоира портрети композициясини яратишга киришаётиб бир неча марта ўз-ўзига шундай савол бераради. Ҳақиқатан ҳам икки юз йилдан кўпроқ вақт муқаддам ўтган шоира қиёфаси қандай бўлган? Ҳаётлигида ҳеч ким унинг суратини олмаганиданми, ё у бизгача етиб келмаганиданми рассом учун Зебуннисо қиёфаси мавҳум туюларди. — Хўш, портрет яратишда нимага асосланиш керак? Раъно музей кутубхонасида соатлаб сарғайган қўлёзмаларни кўздан кечирар, шоиранинг поэтик дунёсига теран назар ташлашга ҳаракат қиларди. Унинг газаллари ва рубоийларида бу теран истеъдод соҳибининг қувончи ва гамлари, орзу-ўйлари акс этган эди. Раъно ўз қаҳрамони қиёфасини унинг ижодий мероси орқали тасаввур қила бошлади.

Лайли зотидан эсам-да,
дилда Мажнунча ҳаво
Тоғу тош кезгум келур, лекин
йўлим тўсгай ҳаё...
Шоҳ қизи бўлсамда, қилдим
фақр йўлин ихтиёр
Бас менга бу зебу зийнатким,
отим Зебуннисо.

Бу мисралар олима ва шоиранинг латиф шижоати, бегубор қалби, дунёқарашини аниқ гавдалантирарди. Шунинг учун ҳам Раъно Зебуннисо портретини яратишда шоиранинг қалб гўзаллигини биринчи планга чиқаришга аҳамият берди. Шундай бўлса-да, шоира қалбидаги бутун мураккабликлар, у яшаган давр қарашлари етакчиган изтиробларни ҳам тасвирлаш учун яна нималардир етмаганидек туюларди. Раъно яна Зебуннисо асарларини соатлаб мутолаа қилишдан толмади.

Сўз аро бўлдим ниҳон хушбўй гуллар баргидек,
Кимки кўрмоқ истаса сўз ичра шан кўрса мени.

Ҳа, бу мисралар бундан икки аср муқаддам яшаб ўтган шоира — ўзбек халқининг севимли фарзанди, классик шоиримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг ажойиб неварасини Зебуннисо бегимнинг қалбини, қиёфасини аниқ гавдалантирарди. Мана кўз олдимизда шоира портрети турибди. Яхшилаб назар солинганда бир жиҳатдан у ўзининг яратувчиси қиёфасини ҳам эсга солади. Шоирадаги ўйчанлик, кўзларида ҳассос қалб кечинмалари акс этиб туришбизга Зебуннисо худди мана шундай бўлган деган тасаввур бериши табиийдир. Энг муҳими Раъно Ҳабиб картинада Зебуннисо қиёфасини яратиш устида изланишларини муваффақиятли амалга оширганлиги рўй-рост кўриниб турибди. Шоира қиёфасида, кўзларида теран туйғулар акс этганга ўхшайди.

Раъно Тошкентда— Алишер Навоий номли адабиёт музейида бўлган ана шу ижоди давомида Гулбадандбегим, Увайсий, Маҳзуна, Нозимахоним, Дилшодбегим каби шоиралар портретини ва бошқа ажойиб кишилар образларини яратди. Бу асарларнинг ҳар бири рангин туйғуларга бойлиги, мусаввир қалби гўзаллигини теран акс эттириши билан ажралиб туради. Бу бежиз эмас. Уларда ўзбек қизининг ўз юртидагина эмас, ҳатто ҳорижда ҳам минг-минглаб томошабинларга манзур бўлган асарларидагидек теран гўзаллик, ўзига хос истеъдоди олами акс этган.

О. АПУХТИН.

СУРАТЛАРДА: юқорида — рассом Чингиз Ахмаровнинг Раъно Ҳабиб портрети; пастда — Раъно Ҳабиб мўйқаламига мансуб асарлар: Зебуннисо, Увайсий, Гулбаданбегим портретлари.

Автор фотолари.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Д. САЛИМОВА: В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида сиртдан ўқийман. Ҳозир фарзанд кўрганлигим учун бир йил муддатга ўз ҳисобимдан отпуска олганман. Айтингчи, қишки сессия пайтида зачёт ва имтиҳонлар топшириш учун чақирилганимда менга ўзим меҳнат қилаётган муассаса ҳақ тўлайдими ёки тўламайдими?

Жавоб: Маълумки, кўзи ёриган аёл фарзанди бир ёшга тўлгунга қадар ўз ҳисобидан отпуска олиш ҳуқуқига эга. Агар Сиз олий ўқув юртида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган бўлсангиз отпускада бўлишингизга қарамасдан имтиҳон сессиясига чақирилган вақт учун ўзингиз меҳнат қилаётган муассаса ҳақ тўлаши керак. Сизга олий ўқув юртининг студенти сифатида 100 сўм миқдорида ҳақ тўланади. Шунингдек, сессия тугаганидан кейин арза ёзиб, ўз ҳисобингиздан олган отпускани узайтиришларини талаб қилишингиз мумкин.

* * *

Х. ОРЗИЕВ: Заводда ишлайман. Айни пайтда бошқа жойда қоровуллик қиламан. Қоровуллик учун оладиган маошим менга пенсия тайинланаётганда ҳисобга олинадими ёки олинмайдими?

Жавоб: Ишчи ёки ходимга пенсия тайинланаётганда взнос тўлаган маоши ҳисобга олинади. Ўриндошлик ва иш вақтидан ташқари ишлаганлиги учун олган маоши ҳисобга олинмайди. Сизнинг қоровуллик лавозимингиз ҳам ўриндошлик ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Сизга пенсия тайинланаётган бу лавозим учун олган маошингиз ҳисобга олинмайди.

* * *

Б. ХАЛИЛОВ: Ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза берган қишини прогул ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатиш мумкинми?

Жавоб: Агар ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза берган ходим узрли сабабсиз прогул қилса ёки меҳнат интизомини бузса маъмурият унга бир ой давомида қонунда белгиланган чоралардан бирини қўллаш, ҳатто уни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга. Чунки бир ой давомида меҳнат шартномаси ўз кучини йўқотмаган бўлади.

* * *

А. АКБАРОВ: Мен 1942 йилдан 1949 йилга қадар Совет Армияси сафида хизмат қилганман. Аммо Улуғ Ватан уруши жангларида қатнашган эмасман. Айтингчи, Улуғ Ватан уруши нивалидлари ва қатнашчиларига берилган имтиёзлардан фойдаланишим мумкинми?

Жавоб: Одатда «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси» гувоҳномаси Улуғ Ватан уруши йилларида ҳаракатдаги армия, қисм ва бригадалар сафида жанг қилган солдат ва офицерларга берилади. Гувоҳнома жангда иштирок этган жангчи ёки офицернинг ҳарбий билетидаги ёзувларга асосланиб тўлдирилади. Агар нотаниқлик чиқиб қолса, архив ҳужжатларидан фойдаланилади. Винобарин, Сиз ҳам масалани ҳал қилиш учун ўзингиз рўйхатда турган район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилишингиз лозим. Агар Сизга «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси» гувоҳномасини беришса, имтиёзлардан фойдаланишингиз мумкин.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

26 АВГУСТ, 1982 й.

АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

УЙ-РЎЗҒОР ТАШВИШИДА

Ўлкамизда айни пиширчилик. Полиз экинлари ва кўкатларни қишда ёз фаслидагидек янги, хушбўйлигини сақлаган ҳолда ишлатишга нима етсин. Шу кунларда бу маҳсулотлардан икра тайёрлаб қўйишнинг айни вақтидир.

● Пиёз, помидор, бақлажон, болгар қалампирининг ҳар биридан бир килограмм миқдорида олинади. Ювиб, тозалаб тўғралади-да қизиган пахта ёғида қовуриб олинади. Бир литрлик банкаларга солиб, қайнатилган қопқоқни машина беркиткичда зич қилиб ёпиб қўясиз.

● Болгар қалампирини уруғидан тозалайсиз. Паррак-парак қилиб тўғрад туз ва майда тўғралган укропни қўшиб масаллиғни ярим литрлик банкаларга солиб, шиша банкани полиэтилен қопқоқ билан беркитасиз.

Масаллиқлар: 2 кило булғор қалампири, 5—6 бош укроп, 400 грамм туз.

● Болгар қалампири, саримсоқ пиёзни мясорубкадан ўтказиб туз билан аралаштирасиз-да, кичик шиша банкаларга солиб шишани полиэтилен қопқоқ билан ёпиб қўясиз. Салқин жойда сақланган банкалардаги маҳсулотлар узоқ вақтгача ўз ҳиди ва таъмини йўқотмайди.

● Уч-тўрт килограмм майдароқ қилиб тўғралган помидорни сирли кострюлкага соласиз. Ўртача оловда 4—5 минут қайнатасиз. Суви алоҳида банкага, дони алоҳида шиша банкаларга қуйиладди. Шиша банка оғзи полиэтилен қопқоқ билан мустаҳкамланади. Қиш фаслида 1—2 бош пиёз тўғраб туз қўшиб аччиқ-чучук тайёрлайсиз ёки овқатга ишлатасиз. Суви эса томат соки бўлади.

Д. АБДУВОСИЛОВА.

«ЁШ ШАХМАТЧИЛАР».
М. Нуриддинов фотоэтюди.

ЧАРНА—ХОВЛИ ХЎЖАЙИНИ

Ола қарға Кишиневдаги Панфилов кўчасида жойлашган тўққиз қаватли уй ҳовлисини ўзиники деб билади. У шу нўхлам янги квартираларга кўчиб келган хонадонлар билан бир вақтда бу ерда пайдо бўлди ва шундан бери ўз ҳуқуқини таниб келаяпти. Бирон жойга қўниб олган қуш подъездларга кириб ва чиқаётган кишиларни бир кўзи билан диққат қилиб кузатиб боради, нимаики эътиборидан четда қолса шуни ютиб кетарди. Унинг дарахт ёриқларидаги тош бостириб қўйган «яширин жойларидан» авторучка ва бошқа ялтироқ майда-чуйдаларни топиш мумкин бўлади.

Чарна мушукларини ҳеч ёқтирмайди. Мушук подъездан писиб чиқиб кетмоқчи бўладиқу, лекин бунга доимо муваффақ бўла олмайди. Чарна ангрaйиб қолган мушукка етиб бориб, думининг учини қаттиқ чўқийди. Катта қанотларини ёзиб, бош устида қуш пайдо бўлганда ҳаттоки каттакон осоишта уй итларининг ҳам асаби бардош беролмайди. Улар шарманда бўлиб, тисарилади ва топган суягини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Ола қарғага эса шунисн керак: суяк дарров уяга олиб кетиладди.

Лекин мана шуларнинг ҳаммасига қарамай чарнани болалар ҳам, катталар ҳам суядилар. Қуш биринчи қаватда яшайдиган пенсионер Г. Н. Ковалевская билан, айниқса, иноқ. Қуш дарахтдан карнизга учиб тушиб, таниш деразани тақиллатади, дераза очиқ бўлса унинг пештахтасига дадил сакраб ўтади. Шундан сўнг кресло ёки полга қўнади. Бу ерда Чарнани суйган хўраги — сузма ёки конфет қўйилган бўлади.

Қуш тунларни қўшни паркда ўтказади.

Н. РУЖИНА,
ТАСС мухбири.

КИНОҲАВАСКОРЛАР СУРАТГА ОЛМОҚДА

Қўқондаги мой-ёғ комбинатида ташкил қилинган «Кинообъектив кўзи билан» клуби қатнашчилари ўзларининг дастлабки ҳужжатли фильмини суратга олишга киришдилар. Бу лента корхонанинг ёрдамчи хўжалиги тўғрисида, меҳнаткашларни сут, сабзавот, мева ва цитрус мевалар билан таъминлаш қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Клуб фаолияти программасида КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумига бағишланган, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш тўғрисида ҳикоя қиладиган кинолекциялар туркумини ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).



Совет ҳокимияти йилларида Абхазия Чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкасидан илғор аграр-индустриал республикага айланди. Ҳозир серқуёш Абхазияда 70 дан знёд миллат вакиллари яшаб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Абхазия АССР пойтахти Сухуми шаҳридаги В. И. Ленин номли майдон.

ТАСС фотохроникаси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ИҚТИСОД ВА ЭКОЛОГИЯ

Ленинграддаги 4-гишт заводининг технологик конвейерида «Ленгрублит» заводидан чиқадиган шлак қўшимча ҳом ашё манбаи бўлиб қолди. Инженерлик қурилиш институти бинокорлик материаллари кафедрасининг тадқиқотчилари шлакдан фойдаланиш рецептларини таклиф этдилар. Чиқитдан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш операцияларини соддалаштириш, маҳсулот таннархини анча арзонлаштириш мумкин бўлди. Пиширилаётган гиштнинг сифати эса илгари чиқарилганларидан қолишмаяпти. Лой ва қум ўрнига шлак олиниб пиширилган гиштни мутахассислар олий категория билан баҳолашдилар.

— Ўн биринчи беш йилликда кафедранинг илмий ходимлари ҳом ашёдан комплекс фойдаланиш, чиқитсиз технологиялар яратиш проблемасига тобора қаттиқроқ киришмоқдалар, — дейди янги технология авторларидан бири техника фанлари доктори профессор П. Боженов.

Олимлар ишлаб чиққан нўлгина ечимлар қурилиш индустриясида ишлатилмоқда. Масалан, асбест саралаш фабрикаларининг чиқитлари пластмассага қўшса бўладиган ярқа яхши модда бўлиб чиқди. Улар полимер материалларнинг таннархини бир неча баравар арзонлаштирди. Иккиламчи ҳом ашёдан тайёрланган синтетик қоплама анъанавий қопламадан қолишмайди. Мамлакатнинг химия корхоналари шундай қоплама ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ҳом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш маблағларни анча тежабгина қолмай, келгуси технологиялар учун дуруст замин ҳам бўлади. Олимлар келгусида экологик омилнинг аҳамияти иқтисодий омил аҳамиятидан кам бўлмайди, деб ҳисоблайдилар.

(ТАСС).

КИНО

26 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БОРИС БАБОЧКИН» — **«Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Фестиваль, Қозоғистон.**

«НАТАША», «ОҚ СУВ — ЖАБАГЛИ», «ТЕНГДОШЛАР»—**Восток.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЛБ»—**Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР ЕВВОНИ ГАРБДА», «АВЛИЁ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР» — **Нукус** (17, 20.00 да, телефон 46-70-69).

«КОНДОРНИНГ ҚУЛАШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-11-76), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«АНИҚРОҚ САБАБЛАРСИЗ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«ЕНМА-ЕН ЯШАР ЭДИК» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПОЛКОВНИК ШАЛИГИНИНГ КУТИШИ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00 да, телефон 48-42-80).

27 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БОРИС БАБОЧКИН» — **«Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Фестиваль, Қозоғистон.**

«НАТАША», «ОҚ СУВ — ЖАБАГЛИ», «ТЕНГДОШЛАР»—**Восток.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЛБ»—**Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР ЕВВОНИ ГАРБДА», «АВЛИЁ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР» — **Нукус** (11, 14, 17, 20.00 да, Телефон 46-70- 69).

«КОНДОРНИНГ ҚУЛАШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-11-76), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«АНИҚРОҚ САБАБЛАРСИЗ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«ЕНМА-ЕН ЯШАР ЭДИК» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПОЛКОВНИК ШАЛИГИНИНГ КУТИШИ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00 да, телефон 48-42-80).

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНОМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛМОҚДА

28 августда—Л. БУССЕНАРнинг «ПОХИТИТЕЛИ БРИЛЛИАНТОВ» китобига ҳар бир қабул пунктида 140 тадан абонемент берилади.

С. ЦВЕЙГнинг «НЕТЕРПЕНИЕ СЕРДЦА» китобига ҳар бир қабул пунктида 7 тадан абонемент берилади.

М. ЗОЩЕНКОнинг «ИЗБРАННОЕ» китобига ҳар бир қабул пунктида 8 тадан абонемент берилади.

29 августда —А. ДЮМАнинг «УЧИТЕЛЬ ФЕХТОВАНИЯ» китобига ҳар бир қабул пунктида 80 тадан абонемент берилади.

Л. ФЕЙХТВАЙГЕРнинг «ГОЙЯ» китобига ҳар бир қабул пунктида 30 тадан абонемент берилади.

Ф. КУПЕРнинг «ПИОНЕРИ» китобига ҳар бир қабул пунктида 10 тадан абонемент берилади.

А. ВИНОГРАДОВнинг «ЧЕРНИЙ КОНСУЛ» китобига ҳар бир қабул пунктида 10 тадан абонемент берилади.

М. ДРЮОНнинг «ЖЕЛЕЗНИЙ КОРОЛЬ» китобига ҳар бир қабул пунктида 10 тадан абонемент берилади.

ҚАБУЛ ПУНКТИ МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1—Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, Марказ — 15;

2 — Форобий кўчаси, Чиғатой дарвоза маҳалласи (38, 100, 76, 104, 120-автобусларнинг «Чиғатой дарвоза» бекати).

3— Қўйлиқ бозори (7, 52, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ бозори» бекати).

4— Ғашғтомаш массиви (1, 16-автобусларнинг «Тошкент трактор заводи» бекати);

5—Уйғур кўчаси (Кўкча колхоз бозори);

6— Янгиобод массиви.

7— Юнусобод массиви, Б—1 (8, 60, 72-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати);

8 — Фарҳод ярмаркаси.

9— Зиё Саид кўчаси (8-трамвай; 34, 64, 83-автобусларнинг «Гулзор» бекати);

10—1/3-Қорақамиш массиви (40, 56, 59-автобуслар; 27-трамвайнинг сўнгги бекати);

11—2/4-Қорақамиш массиви (37, 56, 59, 65-автобусларнинг сўнгги бекати).

12—Физкультурная кўчаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида);

13— Чилонзор массиви, 24-квартал, 53-уй, 62-квартира;

14—Чилонзор массиви, 18-квартал, 10«а» уй, 1-квартира;

15—Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй;

16—Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира (2, 33, 41, 54, 75, 79-автобуслар; 4, 9, 19-трамвайларнинг «Фарҳод бозори» бекати).

17—Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира (4, 9, 19-трамвайларнинг «Москва кафеси» бекати);

18— Спутник массиви, марказ 3, 5-уй;

19— Ж. Абидова кўчаси (19-автобус; 2, 16-трамвайларнинг «Бодомзор» бекати);

20— Олой бозори;

21—Чилонзор массиви, 20-квартал, Сегизбоев кўчаси.

22—Циолковский кўчаси (Касб касалликлари институти қаршисида).

23—ТошМИ массиви (10, 28-автобусларнинг сўнгги бекати);

24—Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй;

25—Бирлашган кўчаси, автостанция;

26— М. Горький проспекти (17, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Трамвай-троллейбус депоси» бекати).

27—Юнусобод массиви, А—3,

28 — Первомайск колхоз бозори;

29—Строительная кўчаси, 38-уй;

30 — 2/1-Қорақамиш массиви (Колхоз бозори).

31— 2-Қўйлиқ массиви, Савдо маркази;

32—Луначарское шоссеси, 301-уй;

33—Морозов кўчаси, кабель заводи бозори.

34—Улуғбек посёлкаси, ядро физика институти.

35— У. Юсупов кўчаси (10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).

36— Октябрь массиви Ибрат кўчаси (64-автобус, 8-трамвайнинг «Поликлиника» бекати).

37— 2-Қорасув массиви (89, 63-автобусларнинг 2-Қорасув» бекати).

38 — Б. Хмельницкий кўчаси, 67-уй. 8-корпус (3, 45-автобуслар; 14-троллейбуснинг «Госстандартлар магазини» бекати).

39— 3-турар жой массиви, Шолохов кўчаси, 1 «а» квартали.

40 — Чилонзор массиви, 14-квартал. (4, 9, 19-трамвайларнинг, 53 64, 79- автобусларнинг «Бирлик», «Чўпон ота» бекати).

41 — Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 1«а»-уй.

42—1/2 «Қорақамиш» массиви.

43 — Сергели массиви, Савдо маркази.

44 — Сергели — 3 массиви.

45 — 5-Атоий кўчаси, 6«а»-уй (8, 17-трамвайлар, 64-автобуснинг «Чевар» бекати).

46 — Юнусобод массиви, С—Б—4А микрорайони (60, 72-автобусларнинг сўнгги бекати).

47 — Малая Госпитальная кўчаси, 4-уй (9, 10, 8, 24- трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

49 — Павлов кўчаси, 10-уй (5, 12-автобуслар, 2, 5-трамвайларнинг «Вино заводи» бекати).

50 — Чимбой кўчаси (10, 28-автобусларнинг «Студентлар шаҳарчаси» бекати).

53 — «ТашГРЭС» микрорайони (19, 115-автобуслар, 10, 103-маршрутли таксиларнинг «САМПИ» бекати).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Қабул пунктларида гражданларнинг қаерда туришларидан қатъий назар макулатуралар фақат турлари бўйича алоҳида-алоҳида қилиб ўралган ҳолда қабул қилинади. Масалан, газеталар алоҳида, китоб-журналлар алоҳида, рўзғор картонлари ва ўраш қоғозлари алоҳида.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА АБОНЕМЕНТЛАР ОЛИШ УЧУН МАКУЛАТУРАЛАРНИ ФАОЛ ТОПШИРИШ АДАБИЁТЛАРНИНГ КИТОБ САВДО ТАРМОҚЛАРИГА ТЕЗРОҚ КЕЛИБ ЕТИШИ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

«ВТОРСИРЬЕ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

29, 30 АВГУСТДА

КУЛИНГ ДЎСТЛАР, ИХЛОС БИЛАН ТЎЛИБ ТОШСИН КЎЛГИ ПЛАН!

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ «ТАБАССУМ» РЕДАКЦИЯСИ ИЖОДКОРЛАРИ ВА ИЖРОЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА

IX АНЪАНАВИЙ ТАБАССУМ КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: «ТАБАССУМ»нинг ижодий коллективи билан учрашув, Табассум усталарининг чиқишлари, интермедиялар, миннатюралар, ҳазиллар, ҳажвиялар, ҳажвий қўшиқлар, пародиялар, рақслар.

«ТАБАССУМ» САЙЛИГА МАРҲАБО, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг

ЛЕНИН РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ

МАКТАБ-ОШХОНАСИ

1982—1983 ўқув йили учун

ОШПАЗЛАР ГРУППАСИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактаб-ошхонага 8-10-синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 11 ой.

Машғулотлар 1 октябрдан бошланади.

Ўқувчилар ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Мактаб-ошхонани тугатганлар трест корхоналарига ишга юбориладилар ва уларга Совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимига кириб ўқишларида имтиёз берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 43-уй, кадрлар бўлими.

ҲИНДИСТОНДАН СОВҒА

Ҳиндистон — гаройиб мўъжизалар, беҳисоб табиий бойликлар ва ажойиб ҳунармандчилик буюмлари мамлакатидир. Турли мамлакат ва халқларнинг савдогарлари у ерга муаттар дориворлар, қимматбаҳо тошлар, фил суяги, ёғоч ва металлдан ясалган манзарали буюмларни харид қилиш учун йўл олардилар.

Ҳинд усталарининг буюмлари ҳамиша кенг шуҳрат қозониб келган —қадим замонларда ҳам, ҳозирги кунимизда ҳам.

Аммо бугунги кунда ҳинд товарларини харид қилиш учун бунчалик олис йўл босишнинг ҳожати йўқ.

ИТТИФОҚИМИЗДА ИККИНЧИ, УРТА ОСИЁДА ЯГОНА «ГАНГА» МАГАЗИНИДА КЕНГ АССОРТИМЕНТДА ҲИНДИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТОВАРЛАР БОР.

Совғалар бўлимига ташриф буюрган бирорта ҳам харидор хотиржам қололмайди.

БУ ЕРДА САВДОДА:

табиий тошлар, агат, хризолит, қўқимтир топаз, коралдан ясалган маржонлар;

зардўзи буюмлар —театр сумкалари, ҳамёнлар, қутичалар; жез буюмлар, нозик ўймакорлик билан ишланиб, рангли эмаль билан безатилган кўзалар, вазалар, манзарали ликобчалар, конфет идишлари;

қизил ёғочдан ўймакорлик билан ишланган буюмлар—телефон қўйиладиган стол, патнислар, мева солинадиган вазалар бор.

Ип-газлама ва каштали буюмлар билан савдо қилувчи секцияда кўйлаклар, блузкалар, сарафанлар, юбкалар бор. Улар сидирга ёки гулдор газламалардан тикилган бўлиб, кашталар, апликациялар билан безатилган.

Магазиннинг биринчи қаватида газламалар билан савдо қилувчи бўлим жойлашган.

«ГАНГА» МАГАЗИНИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Магазиннинг адреси: Тошкент шаҳри, Марказ—14 квартали, 2/1 уй (21-троллейбуснинг «Ганга» магазини» бекати).

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

ТОЗА ВА ТЕЗ ЮВАДИ

Мўъжизакор химия рўзғор ишларининг ҳаммасида аллақачондан буёноқ содиқ ёрдамчи бўлиб қолган. У биз билан бирга ювади, чаяди, тозалайди— бир сўз билан айтганда, ниҳояси кўринмайдиган уй-рўзғор ишларининг ҳаммасини баравар қилишади.

Кир ювишдан олдин, бизга қандай ювиш воситалари кераклигини кўриб чиқайлик.

«ЛОТОС» — синтетик ювиш воситаси. У каноп ва ип-газламалар, жун, ипак, сунъий толадан тайёрланган буюмларни ювади. Кирни «Лотос» порошоги билан ювгандан сўнг уни синкалашга ҳожат қолмайди.

«ЛОТОС-АВТОМАТ» — синтетик универсал ювиш порошоги. Порошок таркибида самарали оқартириш моддаси бўлганлиги учун ҳам ип-газлама, каноп, синтетик ва сунъий толалардан тайёрланган буюмлар ранги оч зангори тус олади.

«ЛОТОС-АВТОМАТ»—уй бекаларига кийим-кечакларни тез ва тоза ювишда кўмаклашади. Бу восита билан кирни қўлда ёки машинада ювасизми, фарқи йўқ.



«ОКА» — биологик қўшимчалари бўлган кир ювиш порошоги. Таркибида энзима деб аталган биологик қўшимча бўлиб, у қон, тер, сут, тухум, какао, озиқ-овқат сослари ва бошқа оқсил юққан доғларни кетказади. Порошок каноп, ип-газлама, синтетик толалардан тайёрланган буюмларни ювишга мўлжалланган. «Ока» порошоги билан ипак ва жун матоларни ювиш тавсия этилмайди. Кийим-кечак тоза ювилсин десангиз, уни ювишдан олдин ивитиб қўйиш керак. Порошок кам кўпиради, шунинг учун ҳам ундан машинада кир ювишда фойдаланган маъқул.

«ЛАНДИШ» — универсал, синтетик кир ювиш пастаси. Бу ҳар қандай газмолдан тайёрланган буюмларни ювади. «ЛАНДИШ» аралашмасида ювилган кийимларда яркирок кўп вақтгача кетмайди, қўшимча синкалаш ва қайнатишни талаб қилмайди. Хушбўй ҳид таратади. «ЛАНДИШ» пастасидан юмшоқ, қаттиқ ва денгиз сувларида ҳар қандай температурада кир ювишда фойдаланиш мумкин. «ЛАНДИШ» тежамли ва фойдали кир ювиш воситасидир.

«МЕЧТА» — синтетик кир ювиш пастаси. Ип-газлама ва каноп толаларидан тайёрланган буюмларни энг яхшиси «МЕЧТА» пастасида ювган маъқул. «МЕЧТА» паста таркибига қўшилган нашатир спирти кийим-кечакларни оқартиради ва дизенфекциялайди, гулдор буюмларга ёрқинлик беради, оқ-қўқиш тус киритади. «МЕЧТА» пастаси юмшоқ, қаттиқ ва денгиз сувида ҳар қандай температурада тезгина эрийди. «МЕЧТА» газмол тўқималарининг кучини қирқмайди, унинг янгилигини ва оқ тусини кўп вақт сақлайди.

«КАШТАН» — суюқ синтетик ювиш воситаси. «КАШТАН» юпқа жун, ипакли, синтетик, буюмларни жуда яхши ювади. Тўқима, дарпардаларни аъло даражада ювади. «КАШТАН»да ювилган кирдан енгил хушбўй ҳид таралиб туради.

«ПАЛЬМИРА» — синтетик ювиш воситаси. Ип-газлама ва каноп матоларни енгил ва тез ювади. «ПАЛЬМИРА» кир ювиш жараёнини осонлаштиради: унинг эритилган пастасида ювилган буюмларни қайнатиш ва синкалашнинг ҳожати йўқ. «ПАЛЬМИРА» ишлатишда қулай—ҳар қандай сувда: енгил, қаттиқ, денгиз сувида эрийди. «ПАЛЬМИРА» буюмларнинг ёрқинлигини, оқлигини узоқ вақт сақлайди.

«ЛОТОС-АВТОМАТ», «ОКА» кир ювиш порошокларини «Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаб чиқармоқда.

«ПАЛЬМИРА», «ЛАНДИШ», «МЕЧТА» синтетик ювиш пасталарини, «КАШТАН» кир ювиш суюқлигини— Олмалиқдаги рўзғор химйялари заводи тайёрламоқда.

Синтетик порошоклар, пасталар, «КАШТАН» кир ювиш суюқлигини қуйидаги хўжалик магазинларидан харид қилиш мумкин:

1-Пролетар кўчаси, 49-уй;
2-«Первомайск бозори»;
3-Истиқбол кўча, 1-уй;
6-Энгельс кўча, 94-уй;
7-Госпиталь бозори;
8-Луначарское шоссеси маркази;
9-Строительная кўча, 1-уй;
10/1-Фарҳод ярмаркаси;
11-Энгельс кўча, 46-уй;
13-Сергели (Ярмарка);
11-Морозов кўча, 25-уй;
17-Сергели (бозор);
19-Уста Ширин кўчаси, 133-уй;
22-«Минг хил майда-чуйдалар» Муқимий кўча, 4-уй;
24-Шимоли-Шарқ-2;
25/1-Навоий кўча (шаҳар ярмаркаси);
26-Паркент бозори;
29-Бешёғоч бозори;
30-Навоий кўчаси (янги шаҳар ярмаркаси);
32-Юнусобод массиви (бозор);

«ТАШХОЗТОРГ».

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

26 АВГУСТ—ПАЙШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

18.20 СССР халқ артисти Ю. Мазурок куйлайди. 18.45 «Инсон ва қонун». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ёш». Кинолавҳа. 19.40 «Рубенс-рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3 ва 4-сериялар. 21.30 «Время». 22.05 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионати. 23.05 «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

16.50 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Ҳиндистон артистларининг чиқиши. 19.30 «О. В.» Химиявий қурол дунёга нимаси билан хавф солди. Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Илиқ сувларда». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 «Адабий ўқиш». М. Шолохов. «Дон ҳикоялари». 21.30 «Время». 22.05 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Гамбургга борадиган кема». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР).

Ўзбекистон телевиденисининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Нўхотполвон», «Тулки Лариска қандай хазина излади». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 «Янги мактаб формаси». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Юқори сифатли пахта толаси учун». 20.15 «Сенинг бўёқларинг, Молдавия». Манзарали фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Озод Ватанимиз, ортсин шон-шуҳратинг!». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Озарбайжон телевиденисининг программаси. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Озод Ватанимиз, ортсин шон-шуҳратинг!» Озарбайжон телевиденисининг программаси (давоми). Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

27 АВГУСТ — ЖУМА СОВЕТ КИНОСИ КУНИ

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9. 00 «Время». 9.40 «П. Ледоницкий қўшиқлари». Фильм-концерт. 10.25 «Рубенс —рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар. 12.10 Жаҳон халқларининг икоди. Вьетнам. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Совет кинои кунига бағишланган кинопрограмма. 16.05 «Рус тили». 16.35 Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати А. Зайкин чалади (баян). 17.10 «Сурия Араб Республикаси парламенти аъзоларининг СССРга визити». Ҳужжатли фильм. 17.30 «Москва ва москвaликлар».

18.00 «Волгада бир қоя бор». Фильм-концерт. 18.30 «Чарм тўп» клубининг соврини учун. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Бугун— Кино куни». СССР Давлат киносининг ранси Ф. Т. Ермаш сўзи. 19.40 Арфа ижроси учун пьесалар. 19.55 «Севги асираси». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионатида. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.

Марказий телевиденининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ёз билан ҳайрлашиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.55 Алкоголизм ҳақида суҳбатлар. 19.25 Сув ости спорти бўйича жаҳон чемпионати. 19.55 «Шеърлардаги дилга яқин сатрлар». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Устахонадаги учрашувлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Белгород». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Қотил далада яширинган». Телевизион бадиий фильм премьераси. 23.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Москва) — «Динамо» (Киев). 2-тайм.

Ўзбекистон телевиденисининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ивасик — Телесик», «Бўри Вова Марсга қандай қилиб парвоз этди». Кўғирчоқ фильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 19.00 «Ҳаёт каби тирик». Илмий-оммабоп программаси. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми олдидан. «Фан уфқлари». Кўрсатувда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик О. Содиқов иштирок этади. 20.15 «Қадрдон майдон». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т. Саъдуллаев ва З. Мадраҳимова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 Телевидение экранида биринчи марта. «Касбим - киноактёр». Бадиий фильм. 00.10 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Лайка». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма. 19.30 Эстрада куйлари. 20.00 Янгиликлар. 20.25 И. Тулаков. «Етти лочин». Адабий композиция. 21.30 МТ II.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, партия комитети ва жамоатчилик ташкилотлари электротехника кафедрасининг мудири, профессор С. З. Усмоновга отаси

Зоҳид УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горисполкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; вашрёт диспетчери 32-78-94; вашрёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

26 АВГУСТ, 1982 й. Р—07379. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси Тошкент шаҳри. 8— 2524 ИНДЕКС 64691